I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 995,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 6,3 % га ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот

(2020 йил январь-март ҳолатига, фоиз таққослама нархда)

	млрд. сўм		*2019 йилнинг январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида*
	2019 йил	*2020 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**4 808,2**	**5 995,3**	**106,3**
шу жумладан:			
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**4 578,1**	**5 634,1**	**106,3**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	951,4	1 140,0	104,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 746,8	2 197,1	110,1
саноат	1 485,6	1 841,5	110,8
қурилиш	261,2	355,6	106,1
Хизматлар	1 879,9	2 297,0	103,7
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	425,8	501,2	104,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	362,6	415,8	7,9
бошқа хизматлари	1 091,5	1 380,0	103,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	**230,1**	**361,2**	**107,7**

ЯҲМ - ҳудуднинг ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич. ЯҲМ иқтисодий моҳиятига кўра ЯИМ га тенг кўрсаткич ҳисобланади, яъни у ушбу ҳудуднинг резидентлари бўлган иқтисодий бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ифодалайди.

Андижон вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати –110,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,7 %), қурилиш – 106,1 % (6,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар –104,0 % (8,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,8 % (7,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,2 % (24,5 %) ни ташкил этди.

ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
(фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 94,0 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 6,0 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,6 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 20,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,6 % пунктга ўсди ва 6,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-мартида 40,8 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даври (41,1 %) билан таққосланганда 0,3 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши– 8,9 % ни (2019 йил январь-март 9,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,4 % ни (7,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 24,5 % ни (23,9 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



2020 йилнинг январь-март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот аҳоли жон бошига 1913,2 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (1565,1 минг сўм) мос даврига нисбатан 4,3 фоизга ўсди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯҲМда кичик бизнес улуши 56,1 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ динамикаси

	2019 йил январь-март	*2020 йил январь-март*	*Ўсиш суръати, %*
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми, минг сўм	1 565,1	1 913,2	104,3

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган хиссаси 5,4 % ни ташкил этди.

ЯИМда Андижон вилоятининг улуши, *фоизда*



Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот
январь-март ҳолатига

	ЯҲМ млрд. сўм			*Аҳоли жон бошига, минг сўм*		
	2019 йил	*2020 йил*	*%*	*2019 йил*	*2020 йил*	*%*
Ўзбекистон Республикаси	**93 101,6**	**110 517,8**	**104,1**	**2 794,5**	**3 253,3**	**102,0**
Қорақалпоғистон Республикаси	3 426,4	3 955,1	103,9	1 829,7	2 080,4	102,4
Андижон	4 808,2	5 995,3	106,3	1 565,1	1 913,2	104,3
Бухоро	4 298,8	4 908,0	105,1	2 265,5	2 547,6	103,5
Жиззах	2 231,4	2 631,5	104,6	1 646,4	1 899,6	102,3
Қашқадарё	5 218,8	5 804,6	100,6	1 621,1	1 765,9	98,5
Навоий	7 214,5	9 383,2	103,7	7 352,8	9 394,5	101,8
Наманган	3 332,7	4 236,9	108,6	1 208,3	1 504,4	106,3
Самарқанд	5 712,8	6 733,5	103,6	1 500,8	1 733,2	101,5
Сурхондарё	3 232,4	4 078,0	107,1	1 255,1	1 547,7	104,7
Сирдарё	1 843,0	2 025,2	102,5	2 216,5	2 388,3	100,5
Тошкент	9 509,6	11 578,9	104,4	3 276,1	3 929,5	102,9
Фарғона	5 716,2	6 576,3	104,0	1 549,4	1 749,5	102,1
Хоразм	3 101,4	3 726,9	105,2	1 687,0	1 993,7	103,4
Тошкент ш.	15 950,5	19 745,4	106,2	6 339,4	7 655,3	103,6